

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

А.Ақбаржонов

“27” 09 2022 йил

Банк томонидан бюджетга тўланаётган солиқларни тўғри ҳисобланганлигини ва тўланганлигини аниқлаштириб бориш ҳамда солиқ қонунчилиги бўйича вужудга келган ўзгаришлар юзасидан амалий маслаҳат ва кўникмалар олиш юзасидан профессионал солиқ маслаҳатчисини банкка жалб қилиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Талаблар номи	Иштирокчи ташкилотларга қўйилган талаблар
1	Буюртмачи	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
2	Бажариладиган ишлар, хизматлар мақсади	Банк томонидан бюджетга тўланган солиқларни тўғри ҳисобланганлигини ва тўланганлигини аниқлаштириб бориш ҳамда солиқ қонунчилиги бўйича вужудга келган ўзгаришлар юзасидан амалий маслаҳат ва кўникмалар олиш
3	Молиялаштириш манбаи	Банкнинг ўз маблағлари
4	Бажариладиган иш ва хизматлар жойи	Тошкент шаҳри
5	Иштирокчи ташкилотларга иш ва хизматларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда қўйиладиган талаблар	<p>Ташкилотга қўйилган талаблар: Ташкилотнинг камида бир нафар мутахассиси Молия вазирлигининг малака сертификатига эга бўлиши керак (Сертификат тақдим этилиши лозим). Ташкилотнинг камида бир нафар мутахассиси солиқ консалтинги соҳасида узлуксиз иш тажрибаси камида 10 йил бўлиши (Тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим); Солиқ маслаҳатчи ташкилотининг фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги суғурта полисини тақдим этиш;</p> <p>Ташкилот томонидан бажариладиган хизматлар: Шартнома шартларини ўз вақтида, сифатли ва масъулият билан бажариш; -Банкка солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат бериш; -Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлашда ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузишда банкка ёрдам кўрсатиш; -Ташқи иқтисодий фаолиятни солиққа оид қисмини ва</p>

		<p>хукуматлараро келишувларга риоя қилиш қоидалари бўйича текшириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича банк номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилиш; - Назорат қилувчи органлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилганда банкни қўллаб қувватлаш; - 2022 календар йилда банк томонидан учинчи чорак учун ҳамда тўртинчи чорак учун тузилган солиқлар ва йиғимлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича тузилган ҳисоботларини текшириш ва натижаси бўйича ҳисобот ва тегишли хулосани тақдим этиш; - Банк фаолияти даврида солиқларни тўғри ҳисобланиши, тўланиши ҳамда солиқ қонунчилигига доир саволлар мавжуд бўлганда оғзаки ёки банк талабига кўра саволларга ёзма равишда жавоб бериш (банкни ёзма саволларини мазмун ва моҳиятига қараб, муаммоларни келиб чиққан ҳолатни солиқ қонунчилик базаси билан таққослаб чиқиб, масалага таълуқли мутасадди муассасаларга хат тайёрлаб банк номидан ёзишмаларни ўз ичига олади); - Банк фаолияти юзасидан назорат қилувчи органлар томонидан солиққа доир текширувлар ва ўрганишлар ўтказилганда, текширувчилар томонидан тақдим этилган далолатнома ва хулосага нисбатан банк номидан ёки солиқ маслаҳатчиси ташкилоти номидан эътирозномалар тайёрлаш ва тақдим этиш; <p>Ташкилот ходимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Банкларни солиққа тортиш масаласи бўйича билим ва тажрибага эга бўлиши; - Солиқ қонунчилиги методологияси бўйича масалаларни ҳал қилиш; - Халқаро қонунчилик ва қоидаларни қўллаш қобилияти; - Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва банк қонунчилигига киритилган янгиликларни билиш; - Солиқ, бухгалтерия ва банк қонунчилигида ўзгаришлар юз берганда масалаларни тезкор ҳал қилиш;
6	Иш ва хизматлар қиймати	<p>Бир шартнома бўйича максимал чегаравий нархи 144 000 000 (Бир юз қирқ тўрт миллион) сўмдан ошмаган миқдорда (Қўшилган қиймат солиғи қўшилган ҳолда)</p>

7	Иш ва хизматларни бажариш муддати	<p>Хизматлар 2022 йил 01 октябридан 2023 йил 01 март санасига қадар кўрсатилади.</p> <p>2022 йилнинг учинчи чорак учун солиқ ҳисоботлари 2022 йил 15 ноябр санасига қадар, 2022 йил тўртинчи чорак учун солиқ ҳисоботлари 2023 йилнинг 15 феврал санасига қадар текширилиб ҳисобот ва хулоса тақдим этилади.</p>
8	Молиялаштириш тартиби ва шартлари	<p>Дастлаб босқич учун олдиндан 30% бўнак тўлови;</p> <p>Кейинги тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларга миқдорига тенг қийматда мутаносиб равишда амалга оширилади.</p>
9	Мурожаат учун манзил ва телефон рақамлар	<p>Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси 3-уй. Телефон: (78) 120-45-00 /ички 8538.</p>

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори

О.Воҳидов


